Ўзбекистон овози

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

№ 228 (21.094) 1991 йил 26 ноябрь, сешанба

Баҳоси 8 тийин.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонунга мувофиқ республика Олий Кенгаши Раёсатининг қарори билан шу йил декабрга белгиланган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти умумхалқ сайловини ва Ўзбекистон Давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси зиммасига юкланган. Комиссия таркиби Ўзбекистондаги сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, жамоатчилик ва ижодкор зиёлиларнинг намояндалари билан тўлдирилган.

22 ноябрь куни ўртоқ Қ. А. Аҳмедов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди.

Мажлисда бу катта ижтимоий-сиёсий тадбирларни ўтказиш республика турмушида, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ишида, ижтимоий кучларни жипслаштиришда, вазиятни барқарорлаштиришда, халқ фаровонлигини яхшилашда ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Сайлов кампанияси даврида, референдумни тайёрлаш ва унинг якунларини чиқаришда қонун талабларига қатъий риоя этиш зарурлиги таъкидланди.

Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва республиканинг Давлат мустақиллиги масаласи юзасидан референдумни ўтказиш асосий тадбирларининг календарь режасини тасдиқлади. Сайлов округлари тузилди ва республика Президентлигига кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаш юзасидан фуқароларнинг имзоларини тўплаш тартиби белгиланди.

Бошқа бир қанча ташкилий масалаларга доир қарорлар қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун»нинг 13-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси таркиби ҳақидаги маълумотни хабар қиламиз:

Раис

Аҳмедов Қудратилла Аҳмедович — Ўзбекистон Республикаси давлат нарх комитети раиси

Раис ўринбосари

Ефимов Николай Владимирович — «Средазгазавтоматика» заводи токари, Тошкент шаҳри

Котиб

Маматазизов Мадаминжон — халқ депутатлари Хўжаобод район Кенгаши раиси, Андижон вилояти

Комиссия аъзолари

Абдумавлонов Абдулҳай Абдусатторович — Тошкент давлат техника дорилфунуни аспиранти, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

Адаманов Осмон Курт—Сеитович — Ўзбекистон касаба уюшмаси федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати

Азимов Усмонқул —шоир

Алимжонов Обиджон Жамилович — Шаҳрисабз районидаги «Партия XXVII съезди» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси, Қашқадарё вилояти.

Алқосимова Малоҳатхон Бадалбоевна — Андижон бадиий буюмлар фабрикасининг муҳандис-технологи, Андижон шаҳри

Аҳмедов Шодмон — Гагарин районидаги «Комсомолобод» давлат хўжалиги бригада бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Бекжонов Қаллимбек — Қорақалпоғистон республикаси марказий сайлов комиссиясининг раиси, Нукус шаҳри

Деветкин Владимир Вениаминович — «Лола» хўжалик ҳисобидаги фирмасининг газ-электр пайвандчиси, Тошкент шаҳри

Жуманиёзов Комил Абдуллаевич — Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси таъсис комитетининг котиби

Жўраев Тўрашхон — Наманган шойи ишлаб чиқариш комбинатининг Бош директори, Наманган шаҳри

Ерсаилов Идрис Тиловқулович — Конимех районидаги «Маданият» давлат хўжалиги директори, Бухоро вилояти

Иванушкина Раиса Николаевна — Қарши тикувчилик фабрикасининг тикувчи-мотористи, Қарши шаҳри

Йигиталиев Содиқжон — Автомобиль транспорти вазирлиги раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш Бош илмгоҳининг кафедра мудири

Исаева Галина Георгиевна — Жиззах шаҳар 1-қурилиш материаллари комбинати партия комитетининг котиби

Қодиров Абдурашид Саматович — Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент шаҳри.

Каримов Шоди — Тошкент халқ хўжалиги давлат дорилфунунининг профессори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати

Қаюмов Пўлат — Шахсий пенсионер, уруш ва меҳнат фахрийлари республика кенгашининг аъзоси, Андижон шаҳри

Мавлонова Зулфия Иброҳимовна — Янгиариқ район маиший хизмат ишлаб чиқариш бошқармасининг тикувчи мотористи, Хоразм вилояти

Низомова Музаффар — Самарқанд шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси

Норқўзиева Дилбар Нуралиевна — Зомин район марказий касалхонаси туғуруқ бўлимининг мудири, Жиззах вилояти

Орипов Абдулла — Ўзбекистон халқ шоири, СССР халқ депутати

Ражапова Раъно Ёдгоровна — Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий муаммолар илмгоҳининг шўба мудири, Тошкент шаҳри

Раҳмонова Мўминахон Ёрматовна — Ленинград районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги аъзоси, Фарғона вилояти

Рубенко Анатолий Яковлевич — пенсионер, Тошкент шаҳри

Сефершаев Фикрет — Чиноз районидаги Ўзбекистон Республикаси 30 йиллиги номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Тошкент вилояти

Суюнов Жўлдасбай —Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Нукус шаҳри

Тешабоев Маматхон — Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари

Хўжаев Шабот Хўжаевич — профессор, СССР медицина фанлари академияси вирусология илмгоҳи Ўзбекистон филиалининг директори

Ягмуров Абдукарим Турдиевич — Бухоро «Галаосиё» давлат хўжалигидаги Лобачевский номидаги мактаб директори, Бухоро вилояти

Ёрқулов Мухтор — халқ депутатлари Каттақўрғон район Кенгаши раисининг ўринбосари, Самарқанд вилояти

Комиссия манзилгоҳи: Тошкент, 700008, Намойишлар хиёбони, 5. Телефонлар: 398096, 394391, 394191, 395185, 395176.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ ЭРКИН СОТИБ ОЛИШ ВА СОТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЭРКИН АЛМАШТИРИЛАДИГАН ВАЛЮТАГА САВДО ҚИЛИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА

Пулнинг тобора қадрсизланаётганлигини ҳисобга олиб, республика ва унинг аҳолиси манфаатларини ҳимоя этишни таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни анча кенгайтириш, сайёҳлик самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитни яратиш, шунингдек валюта ресурсларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Сўмга хорижий валютани эркин сотиб олиш ва сотишни ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта алмаштириш тармоқлари кенгайтирилсин. Бунинг учун:

Ўзбекистон Республикаси давлат банкига 1991 йил 1 декабргача республикада хорижий валютани сўмга сотиб олиш ва сотиш пунктларини ҳудудий жойлаштириш тузилишини ишлаб чиқиш таклиф этилсин;

Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат банки ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда валютани бозорда таркиб топаётган қийматига қараб пунктлар ва ихтисослаштирилган биржалар орқали сотиб олиш ва сотишнинг амалий воситасини 1991 йил 1 декабргача ишлаб чиқсин ва жорий этсин, бунда республика ва унинг аҳолиси иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, ички ва ташқи валюта бозоридаги талабни оператив равишда эътиборга олиш кўзда тутилсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига республика валюта биржасини очишга доир тадбирларни 1992 йил 1 январга қадар амалга ошириш тавсия этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ҳамда валюта операцияларини амалга оширадиган бошқа ваколатли банкларга ушбу қарор матбуотда босилиб чиққан кундан бошлаб валюта ҳисоб варақалари очишдаги барча чеклашларни бекор қилиш, шунингдек ҳуқуқий шахслардан ва одамлардан омонатга нақд валюталарни ва депозитларни қабул қилиш, шартнома асосида музд тўлашни таъминлаш таклиф этилсин.

Фуқароларнинг ҳисоб варақасидаги ҳорижий валюта уларнинг талабига биноан ҳеч қандай чеклашсиз ва рухсатсиз қайтариб берилади, деб белгилаб қўйилсин.

3. Республикага валюта маблағларни жалб этиш, шунингдек савдо тармоқларида валютага молларни сотиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Давлат ташқи савдо алоқалари комитети, Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, бошқа манфаатдор ташкилотлар 1992 йил 1 январгача валютага савдо қиладиган корхоналар тармоғини кенгайтириб, 1992 йил 10 январгача бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисод комитети давлат банки ва бошқа манфаатдор маҳкамалар билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқ истеъмоли молларини хорижий валютага сотиш тартиби тўғрисидаги низом» лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси умумий иқтисодий комплексига (ўртоқ Б. С. Ҳамидов) топширилсин. Қарор қандай бажарилаётганлиги 1992 йил январь ойида кўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ҲАҚИДА

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раёсатларининг тақдимномаларига мувофиқ марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш юзасидан қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1. Тошкент шаҳар сайлов округи
(маркази Тошкент шаҳри, Советлар уйи, Пролетар кўчаси, 6)
Тошкент шаҳри чегарасида.

2. Тошкент вилоят сайлов округи
(маркази Тошкент шаҳри, Тошкент вилоят ижроия комитети, Хоразм кўчаси, 51)
Тошкент вилояти чегарасида.

3. Андижон сайлов округи
(маркази Андижон шаҳри, халқ депутатлари вилоят Кенгаши, Навоий шоҳ кўчаси, 126).
Андижон вилояти чегарасида.

4. Бухоро сайлов округи
(маркази Бухоро шаҳри, халқ депутатлари вилоят Кенгаши, Октябрь 40 йиллиги кўчаси, 2).
Бухоро вилояти чегарасида.

5. Жиззах сайлов округи
(маркази Жиззах шаҳри, Советлар уйи, Ленин шоҳ кўчаси).
Жиззах вилояти чегарасида.

6. Қашқадарё сайлов округи
(маркази Қарши шаҳри, вилоят ижроия комитети, К. Маркс шоҳ кўчаси)
Қашқадарё вилояти чегарасида.

7. Наманган сайлов округи
(маркази Наманган шаҳри, Советлар уйи, Дзержинский кўчаси, 52)
Наманган вилояти чегарасида.

8. Самарқанд сайлов округи
(маркази Самарқанд шаҳри, Советлар уйи, Ленин майдони, 1)
Самарқанд вилояти чегарасида.

9. Сурхондарё сайлов округи
(маркази Термиз шаҳри, Советлар уйи, Гагарин кўчаси, 34)
Сурхондарё вилояти чегарасида.

10. Сирдарё сайлов округи
(маркази Гулистон шаҳри, Советлар уйи, Ленин майдони).
Сирдарё вилояти чегарасида.

11. Фарғона сайлов округи.
(маркази Фарғона шаҳри, Пушкин кўчаси, 15)
Фарғона вилояти чегарасида.

12. Хоразм сайлов округи
(маркази Урганч шаҳри, Советлар уйи, Коммунистик кўчаси, 31)
Хоразм вилояти чегарасида.

13. Қорақалпоғистон республика сайлов округи
(маркази Нукус шаҳри, К. Маркс кўчаси, 4)
Қорақалпоғистон Республикаси чегарасида.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси

Қ. АҲМЕДОВ.

Марказий сайлов комиссиясининг котиби

М. МАМАТАЗИЗОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

1991 йил 22 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА КЎРСАТИЛАДИГАН НОМЗОДНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЮЗАСИДАН ФУҚАРОЛАР ИМЗОСИНИ ТЎПЛАШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **қарор қилади:**

1. Беносита корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг меҳнат жамоалари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари жамоалари, турар жойлардаги фуқароларнинг ва ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан фуқароларнинг имзоларини тўплашга доир илова қилинаётган тартиб тасдиқлансин.

2. Белгиланган тартибда рўйхатга олинган ташаббускор гуруҳларнинг имзоларни тўплаши шундай шарт билан амалга оширилиши мумкин, деб белгилаб қўйилсин: имзоларни тўплаш тўғрисидаги якуний Баённома Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига 1991 йил 3 декабрдан кечиқмай тақдим этилиши керак.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси

Қ. АҲМЕДОВ.

Марказий сайлов комиссиясининг котиби

М. МАМАТАЗИЗОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН НОМЗОДНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЮЗАСИДАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИНИ ТЎПЛАШ ТАРТИБИ

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг меҳнат жамоалари ўрта махсус ва олий ўқув юртлари жамоалари, турар жойлардаги фуқароларнинг ва ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари кўрсатилаётган номзодни Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқидан фойдаланадиган камида 60 минг фуқароси қўллаб-қувватлагандагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бевосита номзод қилиб кўрсатишлари мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД КЎРСАТИШ ЮЗАСИДАН ЙИҒИЛИШЛАР, ТАШАББУСКОР ГУРУҲНИ ТУЗИШ ВА УНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

Республика Президентлигига номзод кўрсатиш юзасидан йиғилиш ўтказиш ташаббускорлари камида уч кун аввал Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раёсатларини йиғилиш ўтказиладиган жой ва вақт ҳақида хабардор қилишлари шарт.

Республика Президентлигига номзод кўрсатилиши билан бир вақтда очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан камида 10 кишидан иборат таркибда ташаббускор гуруҳ сайланади, гуруҳга имзоларни тўплашни ташкил этиш топширилади.

Йиғилиш баённомаси унинг қатнашчилари рўйхатга олинганлиги, ташаббускор гуруҳ рўйхати маълумотлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раёсатларига берилади, улар баённома олинган пайтдан бошлаб икки кун ичида ташаббускор гуруҳни рўйхатга олиш ва гуруҳ аъзоларига гувоҳномалар бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Рўйхатга олинган ташаббускор гуруҳлар тўғрисидаги маълумотлар дарҳол Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясига берилади.

ТАШАББУСКОР ГУРУҲИНИНГ ИМЗО ТЎПЛАШ ТАРТИБИ

Ташаббускор гуруҳ рўйхатга олингани ҳақидаги қарор нусхасини олган пайтдан бошлаб имзо варақаларида (иловага мувофиқ) имзо тўплашни амалга оширишга ҳақлидир.

Агар белгиланган муддатда фуқароларнинг зарур миқдордаги имзолари тўпланмаган бўлса, имзо тўплаш тўхтатилади.

Имзо тўплаш тугаганидан сўнг ташаббускор гуруҳ қуйидагилар қайд этилган якунловчи баённомани тузади:

— гуруҳ рўйхатга олинган сана;

— имзо тўплаш тугаган сана;

— тўпланган имзолар миқдори.

Баённома ташаббускор гуруҳ рўйхатга олинган халқ депутатлари Кенгаши раёсати томонидан тасдиқланади ва округ сайлов комиссияси текширганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Сохта имзолар ёки бир кишининг ўзи турли имзо варақаларида имзо қўйгани аниқланганида ҳақиқий бўлмаган мазкур барча имзолар бекор қилинади.

Бундай фактлар юзасидан материаллар прокуратура органларига топширилиши мумкин.

Имзо варақалари сақлаш учун ташаббускор гуруҳни рўйхатга олган халқ депутатлари Кенгаши раёсатига топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига фамилияси, исми, отасининг исми

НОМЗОДИНИ КЎРСАТИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ ИМЗО ТЎПЛАШ БЎЙИЧА ИМЗО ВАРАҚАСИ

тартиб номери	фамилияси, исми, отасининг исми	туғилган санаси	турар жойи	шахсини аниқловчи ҳужжат маълумотлари	имзо ва сана

Имзоларни раис ва ташаббускор гуруҳ аъзоларидан бири тасдиқлайди

Имзо варақасидаги имзолар умумий сони кўрсатилиб, фамилияси, исми ва отасининг исми қайд этилади.

ташаббускор гуруҳ рўйхатга олинган халқ депутатлари кенгаши раёсати раҳбарининг имзоси ва муҳри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

25 ноябрь куни Қ. А. Аҳмедов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясидан — ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримов;

«Эрк» демократик партиясидан ўртоқ Муҳаммад Солиҳ (Салай Мадаминов) рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ҳам рўйхатга олинди.

Округ сайлов комиссияларининг раҳбарлари ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала юзасидан референдумда овоз бериш учун бюллетень шакли ва матни тасдиқланди.

Бир қанча бошқа ташкилий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига рўйхатга олинган номзодларнинг таржиман ҳоллари яқин кунларда матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

САНЪАТ АРБОБЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллар давомида миллий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидаги ўртоқлар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансинлар:

Муҳаммаджонов Зокир (Зикир) — Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри актёри

Раҳимов Наби — Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри актёри

Саидқосимов Пўлат — Аббор Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театри актёри

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1991 йил, 23 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкентда Ўзбекистон Ёшлари уюшмаси Марказий Комитетининг пленуми бўлди, унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

А. Н. Носиров Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланганини муносабати билан Ўзбекистон Ёшлари уюшмаси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимидан озод қилинди.

Илгари Ўзбекистон Ёшлари уюшмаси Фарғона вилоят комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган А. С. Орзиматов Ўзбекистон Ёшлари уюшмаси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида мамлакат Ёшлари уюшмалари ва ташкилотлари мувофиқлаштирувчи кенгаши Раисининг ўринбосари Д. Брагиш қатнашди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

25 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг мажлиси бўлди. Унда жамоат ташкилотлари, шу жумладан «Бирлик» партияси низомларини рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Республика Адлия вазирлиги ҳайъатининг қарори билан «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ «Бирлик» партиясининг Низомини рўйхатга олиш рад этилди, чунки бундан олдин шу номдаги жамоат ҳаракати — «Бирлик» Ўзбекистон халқ ҳаракатининг Низоми рўйхатга олинган эди.

29–ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Марказий Кенгаши пленумида И. А. Каримов номзоди Ўзбекистон Президентлигига кўрсатилганлиги ҳақидаги хабарни бутун республика аҳолиси алоҳида қониқиш билан кутиб олди. Жойларда бўлаётган митинг ва йиғилишларда ушбу қарор қўллаб-қувватланаётганлиги ҳақидаги хабарлар рўзномамизга келиб турибди. Қуйида ана шу хабарлардан айримлари ҳамда оддий меҳнат кишиларининг дил сўзлари эътиборингизга ҳавола қилинади.

●ТЕЛЕГРАММА

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИГА

Қува районидаги «Гулистон» (собиқ «Коммунизм») жамоа хўжалиги аъзоларининг мингдан ортиқ киши иштирок этган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Президентликка муносиб номзод Ислом Абдуғаниевич Каримов эканлигини, бу номзодни жамоа хўжалигининг 10 мингдан зиёд сайловчиси, бутун қуваликлар, вилоят деҳқонлари якдил бўлиб қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Йиғилиш номидан:

Жамоа бошқаруви раҳбари, вилоят деҳқонлар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими:

М. ШЕРБУТАЕВ.

МУНОСИБ НОМЗОД УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

ТЕРМИЗ. Шаҳар марказий касалхонаси жамоаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан республика Президентлигига И. А. Каримов номзоди кўрсатилганлигини зўр мамнуният билан кутиб олди. Жамоа аҳли куни кеча митингга тўпланиб, номзоднинг бугунги кунда республика сиёсий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва роли ҳақида қониқиш билан гапирдилар.

Ўзбекистон халқ депутати И. А. Каримовнинг Сурхондарё вилоятидаги ишончли вакили М. П. Холбоев республика Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси ҳақидаги ўз таассуротларини сўзлаб берди. Вилоятда, хусусан Термиз шаҳрида Президент фармонларидан халқ катта манфаат кўраётганлиги таъкидланди. Митинг қатнашчилари яхши ишларимиз билан ҳурматли номзодимизни амалда қўллаб-қувватлаймиз, деб таъкидладилар. К. Пиримов, Л. Хлобцова ва бошқа шифокорлар жамоа фикрини ифодалаб биз республикадаги энг муносиб номзод учун овоз берамиз, дедилар.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХЎЖАЛИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

ЗАФАР, Тошкент вилояти (телефон орқали). Бекобод районидаги Улуғбек номли давлат хўжалиги меҳнатчиларининг бўлиб ўтган кўп кишилик митинги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига И. А. Каримов номзодини кўрсатиш ва уни қўллаб-қувватлашга бағишланди.

Бу митингда хўжалик меҳнатчиси Қ. Абдувоҳидов, 3-бўлим бошлиғи А. Дегирменчи, Улуғ Ватан уруши инвалиди А. Сирожиддинов, механизатор А. Отавалиев, сут соғувчи Қ. Исҳоқова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

— Совхозимиз—райондаги энг илғор хўжаликлардан бири. Президент фармонлари асосида иш олиб бораётганлигимиз сабабли шу даражага эришдик. Ҳозир умумий даромадимиз бундан икки йил олдин 9 миллион бўлган бўлса, бу йил 25 миллион сўмга етди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархлари оширилгани қишлоқ меҳнат аҳли турмуши фаровонлигини яхшилаш имконини бермоқда. Масалан, биргина Аҳмаджон Отавалиев пахтани машинада теришнинг ўзидан 10 минг сўм даромад қилди. Бошқа механизаторлар ҳам катта даромадли бўлиб қолишди, — деди хўжалик директори Усмон Иса боев.

— Булардан ташқари хўжалигимизда 160 гектар ер деҳқонларга томорқа учун бўлиб берилди. 168 гектар майдонда меҳнатчилар уйжой қуришмоқда. Яқин вақт ичида 735 та хонадонда уй тўйлари бўлади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари ҳам яхши борянти. Илгари 20 фоиз аҳоли хонадони газлашган бўлса, бу йил бу рақам 70 фоизга етди. Уруш ва меҳнат фахрийларидан 167 киши, ўқитувчилардан 217 кишининг уйлари эгаларига бепул топширилди.

Митинг қатнашчилари 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга аҳд қилдилар.

Кейинги вақтда жамиятимиз ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар туфайли мамлакатда янги тарихий вазият вужудга келди. Бугунги кунда собиқ Иттифоқнинг жумҳуриятлари суверен давлатлар сифатида ўзларининг мустақил сиёсий йўлини, тараққиёт йўналишларини белгилаб олмоқда.

Бизнинг Олий Кенгашимиз «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиб, унда халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз диёрида мавжуд табиий бойликлар ва ресурсларнинг тўла ҳуқуқли хўжайини бўлиш тўғрисидаги асрий орзуси ва қатъий иродасини ифодалади. Биз халқимиз тарихидаги ана шу буюк воқеага даҳлдор эканлигимиздан фахрланамиз.

Шу билан бирга республикамизнинг тўла мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш йўлида ҳали жуда масъулиятли, мураккаб довонлардан ўтишимиз зарур. Мустақил Ўзбекистон Президентини умумхалқ овоз бериши йўли билан сайлаш бу борадаги дастлабки босқич бўлади. Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Россия, Қирғизистон ва Туркманистон республикалари халқлари ўз президентларини сайладилар.

Олий Кенгашимизнинг саккизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига умумхалқ сайлови 1991 йил 29 декабрга белгиланганлиги айни муддао бўлди. Зотан, сессия арафасида ва анжуман кунларида жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан унинг номига олинган мурожаатномалар, мактублар, телеграммаларда ҳам шу таклиф илгари сурилди. Депутатларнинг жуда катта гуруҳи уларда ўз сайловчиларининг, бутун халқнинг фикрини ифодалаб, юртимизнинг эртанги куни ёруғ ва беғубор бўлиши, халқимизнинг фаровонлиги кўп жиҳатдан шунга боғлиқ эканлигини таъкидлашган.

Мактубларда Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб ким сайланиши кераклиги ҳам очиқ ва равшан айтилган.

Жумҳуриятимиз Президентлигига Ўзбекистон мустақиллиги учун изчил курашчи, халқимизнинг оғирини енгил қилиб, уни умидли истиқбол сари дадил бошлаб бора оладиган фидойи, жасур, оқил ва доно инсон сайланишига эришишимиз лозим, дейилади **Андижон вилоятининг бир гуруҳ халқ депутатлари мурожаатномасида.** Халқимизнинг кўпчилиги Ислом Каримовни худди шундай инсон деб тан олмоқда. Шунинг учун биз унинг республика Президентлигига номзод этиб кўрсатилишини астойдил истаймиз.

Фарғона вилояти халқ депутатлари гуруҳи йўллаган мурожаатномада худди ана шу фикр давом эттириляпти, хуш келмаяпти. Жумҳуриятимиз, Президентимиз шаънига бўҳтонлар уюштириш, тош отишлар ҳамон давом этяпти.

Ўзбекистон бутун жаҳон маданиятига, фанига, тарихига буюк даҳоларни етказиб берган улуғ мамлакатдир. Бу юртнинг асрлар зарварағидан ўчириб бўлмайдиган ўз тарихи, ўз йўли бор. Ҳозир юртимиз бошига ҳар томонлама ёвуз ниятлар соя ташлаб турибди. Фақат биз бир тану бир жон, якдил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳар қандай муаммоларни ҳал қиламиз. Инқирозу тўқинликларни енгиб ўтамиз.

Халқимизнинг узоқ асрлардан бери шаклланиб келган азалий удуми бор. Юрт бошига иш тушганда, ташвиш, ҳавотирлик туғилганда ҳар қандай гина-кудуратлар, ўзаро можаролар унутилади. Ҳамма ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлиб, юрт катталари, сардорлар қошида жам бўлишади, уларнинг оқилу доно фикрларига қулоқ тутишади, жипслашиб, ягона оилага бирлашиб, хавф-хатарни бартараф этишади.

ХАЛҚНИНГ АЗМУ ҚАРОРИ—ҚАТЪИЙ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши номига келган мактубларни ўқиб

Ҳозир Ўзбекистон бошига шундай ташвишлар, хавф-хатар соя солиб турган экан, ҳамма даражадаги ноибларимиз, халқимиз жумҳуриятнинг ҳозирги раҳбарияти, Президентимиз Ислом Каримов атрофида жипслашайлик, уларнинг мустақиллик, халқ фаровонлиги, ижтимоий адолат йўлида олиб бораётган фаолиятларини, фармонларию қарорларини қўллаб-қувватлайлик. Ҳозир Ватан тақдири, мустақиллигимиз тақдири ҳал бўлаётган кезларда ҳар қачонгидан ҳам аҳил, ҳамжиҳат бўлайлик. Бизнинг бугунги ишимизга келажак авлодлар, адолатли тарих баҳо беради, ҳукм чиқаради. Мустақилликни бой бериб қўйиб, келажак авлодлар олдида юзимиз шувут бўлиб қолмасин.

Биз ҳақиқатан ҳам тарихимизнинг мураккаб бир даврида яшамоқдамиз, дейилади **Наманган вилояти халқ ноибларининг мактубида.** Иқтисодиётда танг аҳвол қануқ давом этмоқда, бу эса аҳолининг турмуш даражаси пасайишига олиб келмоқда. Ҳозирги пайтда республикамизнинг ҳар бир фуқароси турмушнинг оғир, машаққатли, зиддиятли ва синовли кунларини бошдан кечирмоқда. Республикамиз раҳбарияти, Президентимиз Ислом Каримов ўтиш даврида аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетмаслигини таъминловчи, айниқса ночор кишиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган барча чораларни кўрмоқда.

Кейинги пайтларда бу борада қабул қилинган фармонлар ва қарорлар республикада бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг бошқа минтақаларга нисбатан енгилроқ кўчишига имкон яратмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда вазият бирмунча барқарор ва осойишта кечмоқда.

Ҳали республикамизда ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Қиш кириб келмоқда, унинг оғир бўлиши кутилмоқда. Тайёрланган озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар заҳираси унчалик етарли эмас. Бундай шароитда Президент билан халқ ҳамкорлиги катта аҳамиятга эгадир. Биз ҳақиқий аҳвол ва масъулият туйғуси билан иш тутиб, мустақил Ўзбекистон республикаси иқтисоди ва маданиятининг юксалишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Бизнинг ишончимиз комилки, Ислом Каримовнинг Президент этиб сайланиши ҳозирги мураккаб шароитда халқимизнинг турмуш даражасини тезроқ яхшилашга, республикамиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга, унинг иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантиришга, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни янада дадил юксалтиришга амалий таъсир кўрсатади.

Тошкент ва Бухоро вилоятлари халқ депутатлари гуруҳлари Олий Кенгаш номига йўллаган таклифларида Президент сайлови мустақил Ўзбекистон Республикасининг жадал ривожланиб, гуллаб-яшнаши йўлидаги муҳим омил бўлиб, Ислом Каримов бу юксак ва ғоят масъулиятли лавозимга муносиб номзод эканлигини таъкидлаганлар.

Сирдарё халқ ноиблари куни кеча Мирзачўл кенг кўламда ўзлаштирила бошлаганлигининг шонли 35 йиллигини нишонлаган **вилоят аҳолиси номидан** йўллаган мактубида халқимизнинг дилидаги гаплар айтилган: вақт кутиб турмайди. Биз Президентликка Ислом Каримов номзодини кўрсатишга қарор қилдик ва бу таклифни кенг қўллаб-қувватлашга чақирамиз. Чунки бешикдаги гўдакдан тортиб кекса нуроний мўйсафидларимизгача зарур ёрдам ва ғамхўрлик кўрсатаётган бошқа номзод йўқ деб ҳисоблаймиз. Эски йилнинг ташвишларини янги йилга қолдирмайлик. Янги йилни мустақил жумҳуриятимизнинг мустақил халқи томонидан сайланган президенти билан бирга кутиб олайлик.

Ҳа, халқимизнинг азму қарори ана шундай. Унинг бу қатъий иродаси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатишга бағишлаб жойларда ўтказилаётган митинг ва йиғилишларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Шундай қилиб, жумҳуриятимиз тарихида биринчи умумхалқ Президенти сайловига тайёргарлик бошланиб кетди.

Демократия ва ошкоралиққа асосланган мустақил ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидаги қадамнинг қутлуғ бўлсин, Ўзбекистон!

Е. ИБРОҲИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИДА

Куни кеча Тошкентда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг учинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис қатнашчилари федерация фаолиятига таллуқли масалаларни муҳокама қилишга киришишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаш учун Республика Касаба уюшмаларидан номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Республиканинг вилоят, тармоқ, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг сўзга чиққан барча вакиллари **И. А. Каримов** номзодини ёқладилар.

Касаба уюшмалари арбоблари Ўзбекистон ҳозирги Президентининг республикадаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этишга қўшаётган ҳиссасини муносиб баҳоладилар, бу эса касаба уюшмалари ишини фаоллаштиришга, меҳнаткашларга, аҳолининг барча табақаларига қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида таъсирчан, амалий ёрдам кўрсатиш имконини берди. Республика ўз мустақиллигига эришди, иқтисодий мустақиллик сари одим ташламоқда. Бу, жумладан, республиканинг ташқи қарзни тўлаш борасида қатъий мавқеда турганлигида ўз ифодасини топди. Баъзи кишилар ҳамма республикалар бу қарзларни тўлашга рози бўлдилар, Ўзбекистон эса бундан тийилиб турибди, деб нолимоқдалар. Президент тажрибали иқтисодчи сифатида ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилмоқда: республика қарзни тўлашга рози, лекин аввал ким кимдан қарз эканлиги, ҳеч бўлмаса кейинги 10 йил ичида ким кимдан қарзлигини аниқ ҳисоб-китоб қилиш зарур.

Ўзбекистон яқиндагина пахтачилик маҳсулотларини четга эркин сотиш ҳуқуқига эришди. Аввал бу марказ томонидан амалга оширилиб, Ўзбекистон бунинг учун валюта олмасди.

Республика турмушининг бирор соҳаси йўққи, Президентни ташвишлантирмаган бўлсин. Бу Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кишиларга яхши маълум. «Мен халқим учун ўзимни қурбон қилишга тайёрман», деган эди нутқларидан бирида И. А. Каримов. Бу шунчаки гап эмас, бу — ҳаётий позициядир.

Мажлис қатнашчилари шундай моҳир раҳбар, тажрибали мутахассис, одатдан ташқари қобилиятга эга бўлган шахс республикада истиқомат қилаётган барча халқлар учун кўпгина ишларни қилишга қодир, деган якдил хулосага келдилар. Қабул қилинган қарорда республиканинг барча касаба уюшма ташкилотлари, барча касаба уюшма аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаш учун И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга даъват этилади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Раёсатига бозор шароитида меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш юзасидан касаба уюшмалари аъзоларининг таклифларини умумлаштириш ва ўз наказлари мажмуини тайёрлаш топширилди.

* * *

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши мажлисида унинг раиси **Б. А. Алламуродовнинг** «Ўзбекистон Касаба уюшмаларининг республика аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга доир мавқеини кучайтириш тўғрисида»ги маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди, маърузада кенгашнинг йил бошидан буён амалга оширилган фаолияти таҳлил қилинган, яқин келажакка ва истиқболга мўлжалланган вазифалар белгиланган.

Кадрлар ва ташкилий масалалар ҳам ҳал этилди. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри уюшмалари Тошкент вилоят кенгаши ва касаба уюшмалари Тошкент шаҳар Кенгаши тузилиши муносабати билан улар аъзолик ташкилотлари сифатида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясига қабул қилинди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари **Б. С. Ҳамидов** нутқ сўзлади.

Мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари **Э. Самандаров** иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Эшитмадим, деманглар

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Куни кеча Тошкентда «Юнитех Интернешнл» Совет—Ҳиндистон корхонаси билан Германиядаги «Оптима ГМБХ» фирмаси моллари ҳамда хизматлари кўргазмаси очилди.

— Биз эндигина бошлаган ишларимизнинг натижаларини намойиш этмоқдамиз, — дейди «Юнитех Интернешнл» Совет — Ҳиндистон корхонасининг бош директори Н. Латипов. — Қўшма корхонамиз бундан бир йил аввал тузилган эди. У шахсий компьютерлар, оргтехника воситалари, компьютердан фойдаланиб ишлатиладиган тикув машиналари, касалликни аниқлайдиган ҳамда тегишли даволаш тизими бўлган лазер аппаратлари ишлаб чиқаради. Кўргазмага жами 40 турдаги моллар қўйилган. Ҳиндистонлик шерикларимиз ишлаб чиқаришни бошлашга, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидаги бир қанча фирмалар билан алоқа ўрнатишга ёрдам беришди. У ердан бутловчи буюмлар оламиз. Фақат маҳсулотлар сотаётганимиз йўқ — бизнинг ақлу зиё маҳсулотларимизга, жумладан дастурий таъминлаш воситаларимизга хорижда талаб катта бўлмоқда.

«Оптима ГМБХ» фирмаси кўргазмада қатнашаётгани тасодифий эмас. Совет—Ҳиндистон корхонаси у билан пухта алоқа боғламоқда.

— Бу фирма Тошкент кўргазмасига электрон ёзув машинкалари, журналистларнинг электрон ён дафтари ва бошқа баъзи компьютер техникасини олиб келган, — дейди «Оптима ГМБХ» фирмасининг маркетинг директори Ш. Дитрих. — Ёзув машинкалари рус, ўзбек, тожик тилларида матнлар босиш учун яроқлидир. «Юнитех Интернешнл» корхонаси билан биргаликда шартномага асосан ана шу машинкаларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олдик. Дастлабки икки минг дона машинкани Ўзбекистонга етказиб бердик. Кейинчалик шу ернинг ўзида машинкалар йиғиладиган бўлади. «Сов—Оптима» қўшма корхонасини тузиш муддаоси тўғрисида ҳужжат имзоланди, айни вақтда Тошкентда фирманинг савдо ваколатхонаси ҳам очилади.

Кўргазма тўрт кун давом этади, сўнг экспозиция Душанбеда намойиш қилинади.

(ЎзТАГ мухбири).

● Бу сафар тошкентликлар юқорида таъкидланганидек, «Юнитех Интернешнл» Совет — Ҳиндистон корхонаси ҳамда Германиянинг «Оптима ГМБХ» фирмасининг маҳсулотларини томоша қилдилар. Томошабинлар шахсий компьютерлар, тикув машиналари, лазер ёрдамида ташхис қўйиш ва даволаш аппаратлари, журналистлар учун мўлжалланган электрон ён дафтарчалар каби қиррқа яқин маҳсулотлар билан яқиндан танишди.

СУРАТДА: замонавий ёзув машинкалари намойиши акс эттирилган.

Суратчи В. МИЛЕНЬКИЙ (ЎзТАГ).

МАМЛАКАТИМИЗДА

МЕҲНАТКАШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

СССР Президенти М. С. Горбачев Қирғизистон Республикаси пойтахтида бўлди. Президент ўз сафарини шаҳар бозорига боришдан бошлади.

Қимматчиликни жиловлашни фақат битта йўли бор — маҳсулот ва қишлоқ хўжалик хом ашёси келтирувчиларни рағбатлантириш керак.

Президент Михаил Горбачев билан суҳбатларда шу ҳақда гапирилди. Давлат бошлиғи фермерлар, кооператорлар, колхозчиларнинг фикрини эътибор билан тинглади.

Қирғизистон пойтахти жамоатчилиги билан учрашувни республика Президенти Асқар Акаев очди. Учрашувда СССР Президенти нутқ сўзлади.

Мамлакат Президенти 23 ноябрь куни кечқурун Москвага қайтиб келди.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРГА ЭЛЕКТР

Туркманистон Республикасининг жанубий-шарқий тоғ этагидаги водийда яшовчи қишлоқ меҳнатчилари истиқомат қиладиган жойларни электр билан пишиқ-пухта таъминлашга эришилди.

Янги электр узатиш шохобчаси Чоршанга райони аҳолиси учун айниқса қувончли бўлди. Фермалар, яйловлар, артезиан қудуқлари ҳам шу янги линиядан электр қуввати олаётир. Электр узатиш линияси Республика ер ости бойликларини ўзлаштиришга ҳам кўмаклашади.

ХОРИЖДА

М.ГОРБАЧЕВ КИТОБЛАРИ ГЕРМАНИЯДА

М. Горбачевнинг «Қайта қуриш — иккинчи рус инқилоби» китоби Германия ўқувчилари орасида машҳур бўлиб кетди. Шу китобдан 1,4 миллион дона сотилганлиги маълум бўлди.

«Вельтам зонтаг» рўзномасининг маълумотларига қараганда СССР Президентининг Германияда чиқарилган китобларига тўланадиган қалам ҳақи 4,1 миллион маркадан кам эмас. Президент бу пулларни ҳайрия мақсадларига беришини рўзнома таъкидлайди.

ТАШРИФ ТУГАДИ

Россия Президенти Борис Ельциннинг ГФРга уч кунлик сафари тугади. Сафар қўшинлар ҳарбий гуруҳининг қароргоҳига бориш билан ниҳоясига етди.

Учрашувда Борис Ельцин бу ерда ҳозир бўлганларга мурожаат этиб, нутқ сўзлади. У ўз сўзида ташриф чоғида бир қанча ҳужжатлар имзоланганини, бу ҳужжатлар Россия-Германия ҳамкорлигининг янада юқорироқ поғонага олиб чиқишини айтди.

БМТНИНГ ЯНГИ КОТИБИ

Миср Араб Республикаси бош вазирининг ўринбосари ва ташқи ишлар давлат вазири Бутрос Гали Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги котиби этиб сайланди. У келаси йилнинг 1 январидан бошлаб беш йиллик муҳлатга бош котиб бўлади.

Бутрос Гали 69 ёшда. Француз ва инглиз тилларини пухта билади. Халқаро ҳуқуқ бўйича мутахассис. У Нью-Йоркнинг Колумб университетида дарс берган. Қатор китоблар муаллифидир.

(ТАСС, марказий рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

Эшитмадим, деманглар

Мерос

Муаллиф анча йиллардан бери Ўрта Осиёлик ислом авлиёларининг ҳаётини ўрганиб келади. Тошкентдаги «Нур» нашриёти унинг «Туркистон авлиёлари» китобини чоп этяпти. Қуйида ана шу тўпламга кирган Баҳовуддин Нақшбандий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи бадиадан парча ўқийсиз.

Евгений БЕРЕЗИКОВ

БАҲОВУДДИН НАҚШБАНДИЙ

ИНҚИЛОБДАН аввал Бухорода 300 та масжид бор эди. Инқилобдан кейин ислом олами диний пойтахтларидан бири Бухорода атиги 3 та масжид қолди. Қайта қуриш даврида, худога шукур, бу ерда яна 9 таси ишга туширилди. Шулардан бири — Бухородан 12 чақирим наридаги Қасри Орифхон қишлоғидаги Баҳовуддин Нақшбандий масжидидир. Баҳовуддиннинг муборак қабри ҳам шу ерда. Қабр устида кичик минорали, гумбазли мақбара қурилган. Мозорга кираверишда салобатли хонақо — дарвешлар маскани қад кўтарган. Хонақо саҳнида 2 та муқаддас қудуқ ва бошқа осори-атиқалар бор.

Ҳозир ҳам бу ерга беш юз йил аввалгидай, дунёнинг ҳамма бурчакларидан минглаб зиёратчилар келиб туради. Қачонлардир Баҳовуддин Нақшбандийнинг жомеъ масжидига Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларидан келувчи зиёратчиларни ҳам нақшбандийлар деб аташар, бу азиз жойга уч марта келиш Каъбатуллоҳга ҳаж қилиш билан тенг ҳисобланарди.

Халқимизда ҳозирга қадар азиз-авлиёларга ихлос, эътиқод йўқолмаганлиги, қийин шароитда худодан мадад сўраш билан бирга пайғамбарлар ва азиз-авлиёлар руҳи қўлласин, деб умид қилиниши бежиз эмас. «Ё Баҳовуддин, пирим, ўзинг қўллагил!» дегувчилар ҳозир ҳам авлиёни ўзларига руҳан устоз, пир деб биладилар. Бухородан бундан 650 йил муқаддам нақшбандийлик тариқатига асос солган буюк муҳандис имом Исмоил каби Бухоронинг номини жаҳонга таратган алломалардан бири Саид Муҳаммад Баҳовуддин ибн Саид Жалолиддин Нақшбандий ҳижрий 718 (мелодий 1318) йилда туғилган. У машҳур ватандоши, йирик мутасаввиф олим Хожа Али Рометаний вафотидан уч йил ўтгандан кейин дунёга келган экан. Тариқат аҳли бу шайхлар устозининг ҳурматини ғоят баланд тутганлар. Навоий «Насойимул-муҳаббатда»: «Хожа Али Рометаний — Хожа Муҳаммад хулофосиндурлар ва бу силсилада аларнинг лақаби Ҳазрати Азизондур ва аларда олий мақолат ва зоҳири каромат кўп экандур ва тўқумоқ санъатига машғул бўлур эрмиш» (Жалолиддин Румий бу пирни Хожаи Нассож деган — М. М.) Кейинчалик Баҳовудин Нақшбандий камолга етишида Хожа Али Рометанийнинг хизмати, таъсири катта эди.

Алишер Навоий ёзишича, Хожа Али Рометанийнинг шогирди Хожа Муҳаммад Бобо Самосий «Қасри Ҳиндувондин ўтарда дер эрмишларки, бу туфроғидин бир эр (ўғил бола) иси келадур. Қасри Ҳиндувон Қасвон Орифон бўлғай». Кейинроқ Бобо Самосий шогирди Сайид Амир Кулолнинг манзилидан ўтаётганда Қасри Орифон тарафга юз буриб, дедиларки, «Ул эр исики, бизнинг димоғимизга етар эрди, ортуқроқ бўлибтур, ҳамонки ул эр мутаваллид бўлубтур (яъни туғилибдур). Чун нузул қилибтурлар (шул қишлоққа тушубдурлар), ҳазрати Хожа Баҳовуддин валодатидин уч кун экандур (туғилганига уч кун бўлибтур). Аларнинг жади (бобоси) бармуомала аларни (чақалоқ Баҳовуддинни — М. М). кўксига қўйуб, ихлос ва ниёз билан Хожа Муҳаммад Бобо назариға келтирубтур. Хожа Муҳаммад Бобо дептурларки, «Ул бизнинг фарзандимиздур ва биз ани қабул қилдуқ» Ва асҳоб (суҳбатдошлари) сари боқиб, дебтурларки, «Бу ул эр (ўғил бола) дурки, бизга анинг иси етиб эрди, рўзгорнинг мутадоси (Шайхлар рўзғорининг йўлбошчиси — М. М.) бўлғай. Ва амир Сайид Кулолга буюрдиларки, «Фарзандим Баҳовуддин ҳақида тарбият ва шафқатни дариғ тутмағайсан».

Чиндан ҳам Сайид Жалолиддин ва Биби Орифа хонадонида туғилган ушбу фарзанд шарофати билан Қасри Ҳиндувон қишлоғи Қасри Орифон (яъни ҳақиқатларни билувчи орифлар қишлоғи — М. М). деб шуҳрат қозонди. Мана шу фарзанди солиҳ болалиқ чоғларидан улуғ валийлар дуосини олиб, Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифни, ундаги муқаддас каломларнинг илоҳий маъноларини теран тушунишга ва уларга амал қилишга интилди. Худои таолонинг қудрати ва устозлар шарофати билан келгусида дини исломнинг шариат, тариқат ва маърифатнинг арқонларидан бири сифатида лак-лак бандаларни Аллох таолонинг ҳақ йўлига киритишга ижтиҳод кўрсатди.

Бобо Самосий ва Мир Сайид Кулол ёш Баҳовуддинга охиратдаги абадий ҳаётнинг маъноларини, бу дунё ва у дунёдаги руҳий, маънавий, илоҳий қадриятларни тушунтирдилар. Устозлар Баҳовуддинга ўзлик оламига чуқур кириб, ундаги илоҳий фазилатларни камол топтиришни ўргатдилар.

КЕЙИНЧАЛИК Хожа Баҳовуддиннинг истеъдодли шогирди шайх Алоиддин Аттоннинг маърифатли муриди Салоҳиддин ибн Муборак ал Бухорий «Зоду-л-мусофирин фи фазоили Хожа Баҳовуддин» рисоласида устозининг ҳаёт йўли ҳақида бундай ёзади: «Шайх Бобо Самосийнинг мўъжизавий меҳри-муҳаббати қўёшидан эмиб ўсган Хожа Баҳовуддин гўдаклик чоғларидаёқ атрофидагиларни таажжубда қолдирур эрди. У қошига келаётган одамларни бир қарашда тўхтатиб қўяр, осмондаги булутга боқиб, унинг парвозини ўзгартириб юборар эди. Аммо, Баҳовуддин бундай майда-чуйдаларга эътибор бермай, бор сайъ-ҳаракатини устози Бобо Самосий кўрсатган йўлдаги чуқур мулоҳаза ва мушоҳадаларга бағишлар эди. Етти ёшидаёқ Баҳовуддин Қуръони каримни тўлиқ ёд биларди. Шайх Самосий берган бу илмлар уммони кейинчалик Баҳовуддинга олий оламларнинг сирлари эшигини очиш учун калидлик хизматини ўтади.

Болаликдан покиза устозлар тарбиятини олиш қандай мўъжизалар беришини Хожа Баҳовуддин ҳаётидан равшан кўриш мумкин. Бу ҳақда мутасаввиф, даҳо шоир Абдураҳмон Жомий жуда яхши ҳадислардан нақл этган:

Кимки ислом кўзгусида тилар
Ҳар замон ўзга бир сафо мавжуд,
Нечун ул навъ борча ишдинким,
Тангри рози эмас, улус ҳушнуд[1]

(Алишер Навоий таржимаси)

Демак, инсон ёш ниҳоллигидан худога ҳам, эл-улусга ҳам хуш келадиган ишлар билан шуғулланиши зарур. Алқисса, Бобо Самосий ёш шогирдига катта умидлар боғлаб, унинг дин ривожи йўлидаги ишларида ҳақтаолодан мададлар тилаб, дунёдан рихлат қилди. Бу дунёда ҳеч ким абадий эмас. Фақат руҳий оламнинг охири йўқ, руҳий камолатнинг охири йўқдир. Шундай қилиб, ёш Баҳовуддин Мир Сайид Кулол сулуқида тарбия ва билим олишни давом эттирди.

Ёш Баҳовуддин ўлиб кетган устози Бобо Самосий руҳидан қандай фотиҳа олганлиги Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат» асарида аниқ айтилган. «Чун алар (Бобо Самосий) буйруғи билан Насафға бордим, — дейди Баҳовуддин Нақшбандий — ва Мир (Сайид Кулол) хизматға еттим. Илтифотлар кўргуздилар ва манга зикр талқини қилдилар (яъни суфийларнинг муқаддас маросими — Оллоҳ таолонинг қудрати ва моҳиятини улуғлаб зикр этиш сирларини тушунтирдилар — (М.М.). Нафй (рад этиш) ва исбот тариқи билан зикрга машғул қилдилар.

Инсон умри саноқли, аммо руҳий олам мангудир. Бобо Самосий фоний дунёдан чин дунёга рихлат этар чоғида шогирди Сайид Мир Кулолга васият қилдики, «Баҳовуддинни авайлаб тарбия қилгайсан».

Ўша вақтда Мир Сайид Кулол шогирдлари билан Қаршида яшарди. У, маърифатли руҳоний бўлиб, Афлотун ва Арасту фалсафасини, имом Исмоил Бухорий, Мусо ат-Термизий каби бузург машойихларнинг китобларини мутолаа қилар, ўзи тасаввуфга доир китоблар ёзар эди. У ҳам, бошқа мутасаввиф шайхлар каби кароматлар кўрсатар, руҳий мулоқотларга шўнғиган эди. Худди шу устоз ҳузурига, Қаршига келганида Баҳовуддин эндигина ўн бир ёшга тўлганди. У ёшлигига қарамай, Аҳмад Яссавий ҳикматларини, шайх Азизон (Рометаний) рисолаларини таҳсил қилган эди. Сайид Мир Кулол Баҳовуддинга ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг зоти, зикр сирларини ўргата бошлади.

Ривоятларга кўра, Мир Сайид Кулол шогирдини ўз рўбарўсидаги жойномозга ўтқазиб Қуръони карим сураларини бирма-бир такрорлатар ва маъноларини шарҳлаб, тушунтириб берар эди. Афсуски, узоқ йиллар диний маърифат таъқиқлаб қўйилганидан, ўтмишдаги буюк дин арбобларининг диний-фалсафий асарларидан шу вақтгача баҳра олмай келдик. Илоҳий мулоқот, дарвешларнинг зикр тушиш сирлари ҳақидаги асарлар ҳамон тасарруфдан ташқарида қолиб келмоқда.

Шайх Баҳовуддиннинг балоғат йиллари ҳақида Абу Муҳсин Муҳаммад Али «Жасорати Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, қуддуса сирруҳу» асарида бундай ёзади: «Хожа Баҳовуддин ўн етти ёшида рўзғор қилди, аммо оилавий турмуш роҳат-фароғатини тотиб-тотмасдан, Мир Сайид Кулолда таҳсили охирига етгач, бобоси йигитчани озми-кўпми улуғлик касб этган барча дарвешлардан илм ўргансин деб шаҳарма-шаҳар олиб юрди. Хожа Баҳовуддин дарвеш қаландарлар билан муқаддас Шоҳизинда мозорининг зинапояларида тунаб юрган кезлари бир кеча тушида ҳазрати Ҳизр алайҳиссаломни кўрди. Ҳазрат Ҳизр унга «Чин суфий бўламан десанг, хотинингга рағбат қилмағил», деб амри маъриф қилди.

Шундан сўнг Хожа Баҳовуддин хотинини тарк этди ва умрининг охиригача оилавий турмуш фароғатини кўрмади. Бутун умрини оллоҳ йўлига маърифатга бағишлади.

Хожа Баҳовуддин бир куни хилватдаги пинҳоний зикр чоғида жойнамози устида бир замонлар шайх Азизон (Рометаний)га таалуқли бўлган қулоҳ пайдо бўлиб қолди. Шайх Азизоннинг мазкур қулоҳини кийиб, дуолар ўқилганида беморлар ҳар қандай дарддан шифо топиб кетар эдилар.

Бу сирли аломатлардан руҳланган Хожа Баҳовуддин аввалгидан ҳам ижтиҳод қилиб, одамлардан узоқда, ҳилватнишинликда руҳий қувватини зиёда қилиш учун ибодат-тиловатга шўнғиб кетди. Ёшлигига қарамай, унда валийлик сифатлари кўрина бошлади. Унинг олий муқаддас руҳлар билан алоқалари янада кучайди. Энди у кўрсатган мўъжизаларга одамлар ишона бошлади. Иззат-мартабаси ошиб, шогирдлари кўпайди.

Руҳий мўъжизалар, кароматлардан ташқари Хожа Баҳовуддин барча софдил фуқаролар қатори ҳунардмандчилик билан шуғулланар эди. У қалин ипаклик матоҳ-кимҳоб тўқиш билан тирикчилик қилар, шогирдларига ҳам ҳунар ўргатар эди.

ШАЙХ Баҳовуддиннинг бошқа кўпчилик сўфийлардан фарқи шундаки, у ҳар қандай валий, авлиё ҳам фақат номоз, дуо, ибодатлар билангина эмас, балки, руҳни, кўнгилни камол топтириш, ҳам ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилиш зарур, деб ҳисобларди. Шайхлар, суфийларнинг шогирдлари дарвеш қаландарлар таълимотини узоқ-яқин жойларга тарқатар эдилар. Уларнинг асосий иши сафар, саёҳат бўлиб, бирор меҳнатнинг этагидан тутмас эдилар. Улар умуман оила, бола-чақа кўрмай, тиланчилик, фақирлик билан кун кечиришни, ўзларини бу дунё бойликлари, роҳат-фароғатларидан маҳрум қилиб, нафсларини жиловлаб, ҳеч кимга ва ҳеч нарсага муҳтожлик сезмай, гадоликда яшашни фахрли деб билардилар. Дарвеш-қаландарларнинг баъзилари уй-жойсиз, бошпанасиз икки дунё бир қадам, деб сафарларда юрсалар, бошқалари — ўзлари танлаган пирлари, устозлари қошида билим, тарбия олишар ва хонақоҳга вақфлардан, хайр-садақалардан тушиб турадиган неъматлар билан яшар эдилар. Бухорода амирнинг махсус фатвоси билан шаҳар майдонларида пайшанба ва якшанба кунлари дарвеш, гадойлар, ҳеч кимсасиз ғариблар учун аҳолидан хайр-садақа йиғиб олинар эди. Бундай пайтларда дарвеш-қаландарлар бандаларнинг гуноҳларини, қиёмат кунидаги жазоларни эслатиб, кўпинча Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ҳикматларини ўқир эдилар.

Ўрта Осиёдаги дарвешлик жамоаларининг асосий шартлари — уйланмаслик, оила қурмаслик, мол-дунё тўпламаслик, таъмагирлик қилмаслик, бировнинг ҳақига кўз олайтирмаслик, борига сабр-қаноат қилиб яшашдан иборат эди. Мана шундай дунёвий ишлардан этак силкаш дарвеш, сўфийга Оллоҳ-таоло дийдорига, ҳаққа етишишга йўл очар эди.

Дарвешлар ўзларининг ташқи қиёфалари, жулдур ва қуроқ кийимлари билан ҳам аждралиб туришарди. Улар бошларига шайдойи-дўппи, учи мўйнали қулоқ кийишарди. Қўлларида муттақоасо (ҳасса), белларида камар, ёнларида ошқовоқ пўстлоғидан қади ёки кашкул осиб юришарди. Қулоқларини ёпишга — сайли, белбоғига тешиб ип ўтказилган тош-санги қаноат, эгнларида яктак устидан кийиладиган турли-туман, қуроқ матоҳлардан ямаб тикилган, енги калта жанда ёки хирқалари бўларди. Баъзи дарвешлар бошқаларга сира ўхшамаслик учун қоплон пўстагини елкасидан ошириб, боғлаб оларди. Бу билан у дарвешлар тариқатига мансублигини билдирарди.

Илгариги вақтларда Мовароуннаҳрда, хусусан, Бухоро ва Марвда, шунингдек, Хуросон шаҳарларида минглаб гоҳида ўн минглаб дарвешлар шу шаҳарлардаги ҳаёт оқимини алғов-далғов қилиб юрар эдилар.

Баҳовуддин Нақшбандий дарвешларнинг мана шундай нотинч ҳаёт тарзини ислоҳ қилиб, бутунлай ўзгартирди. У, суфийлар, дарвешларнинг таркидунёчилик қилишига, бу дунё ишларидан этак силкаб, қўлини ювиб, қўлтиққа уришига қарши чиқди. Шайх Баҳовуддин дарвешлар, суфийларни ўзларининг осойишта, беҳавотир яшашлари учун, бировларнинг қўлига қараб қолмасликлари учун ҳалол меҳнат билан, ҳунармандчилик билан шуғулланишга чақирди. Бу соҳада ўзи ибрат кўрсатди. дастгоҳда тўқувчилик қилиб, нақш боғлаб, шогирдларига ҳунар ўргатди. Баҳовуддин қисман ҳазрати Султонул орифин Аҳмад Яссавий изидан бориб, унинг нафс ва таъмагирликни қоралашига амалий жавоб тариқасида (қисман Яссавийнинг бу фоний дунёдан кечиш ҳақидаги таълимотларига қарши чиқиб), Туркистонда биринчилардан бўлиб, дарвеш, суфийларнинг ҳам меҳнат, касб, ҳунар билан шуғулланиб, ҳам илм-маърифат олишини ёқлаб чиқди.

Руҳоний, суфий, дарвешнинг қўли меҳнатда, ҳаёли худои-таолода бўлиши керак деб ҳисоблади ва бу таълимотни ихчам, лўнда қилиб: Дил ба ёру, даст ба кор, сўзларида теран ифодалади. (Бу ерда ёр деганда ҳақ субҳонаҳу ва таоло тушунилиши ўз-ўзидан равшан).

Баҳовуддин Нақшбандий ўрнатган бу янги удум (аслида расулуллоҳ ҳадиси шарифларида айтилган қоида)га амал қилувчилар кундан-кунга, йилдан-йилга зиёда бўлиб борди. Бутун бошли дарвешларнинг жамоалари, минглаб қаландарлар тинч, осойишта ҳаётга қайтдилар. Улар ҳақ-таоло йўлида маърифат ҳосил қилиш билан бир вақтда меҳнат қилиб, ўзларини-ўзлари боқа оладиган даражага етдилар. Шайхнинг издошлари кўпайгандан кўпайди. Шу тариқа Бухорода оламга машҳур нақшбандийлик тариқати юзага келди.

Маноқибларда ёзилишича, Хожа Баҳовуддин қирқ кунлик хилватда тоат-ибодат қилиб ўтирганида шундай мўъжиза юз берган: Ҳожанинг кўзига Туркистон машойихларидан Сулаймон Боқирғоний ёки Ҳаким ота кўринган. Ҳаким ота аслида хивалик бўлиб, умрининг охирида Оққўрғон қишлоғига келиб қолган (Тошкент вилоятида). Алқисса, Ҳаким ота шайх Баҳовуддинга кўриниб, айтганки, «Бундан буён тарбият, таҳсил учун дарвеш Халил қошига сафар қил, унинг йўлидан борғил». Шундай деб, Ҳаким ота ёнига дарвеш Халилни чақириб, унга Баҳовуддинни танитган. Бу ғаройиб учрашувни Ҳожа Баҳовуддин бобосига гапириб берганида, ул зот неварасига: «Бўтам, сенга азизлик ва авлиёлик Туркистон шайхларидан келур» деган. Шундан сўнг Баҳовуддин дарвеш Халилни излаб топиб, унга мурид бўлиб, билим олишни давом эттирган.

(Аслида бу фикрни Ҳожа Баҳовуддиннинг бобоси эмас, бувиси айтган. Алишер Навоий бу ҳақда ёзади: «Уйғонгандин сўнгра ул дарвешнинг (Халил отанинг) сурати хотирада эрди ва бизга жаддайи эрди солиҳа, онамиз онаси; ул воқеани аларға айттук. Дедилар: «Эй, фарзанд, сенга турк машойихидин насиба бўлғусидир». Ва бир кун Бухоро бозорида ул дарвешга йўлуқтум ва танидим. Отин сўрдим: Халил эрди. Ул замон анинг бирла мужоласат (ўтириш) ва муколамат (гаплашиш) муяссар бўлмади. Чун манзилга бордим ва оқшом бўлди. Ул дарвеш қошидин биров келиб, мени тилади. Куз айёми эрди. Бир пора мева олдим ва ул дарвеш хизматиға бордим. Айттики, улча сенинг хотирингдур, бизга аёндур. Баён қилмоқ ҳожат эрмас. Менинг ҳолим ўзга бўлди, кўнгил майли анинг суҳбатиға кўп бўлди ва анинг суҳбатида шигарф аҳвол ва ғариб ҳам ажиб нималар мушоҳада бўлур эди. Ва муддатедин сўнгра Мовароуннаҳр мулкининг салтанати анга мусаллам бўлди ва манга анинг хизмат ва мулозаматин қилмоқ зарур эрди ва мулозамат айёмида ҳам азим ишлар зоҳир бўлур эди ва манга шафқат зоҳир қилур эрди... (—М. М.).

ЕТТИСУВ томонларда ҳукмронлик қилган султон Халил ёки Ғазанфар султон саройида хизмат қилган йиллари Баҳовуддинга билим, маърифат таҳсилига кенг йўл очилди. Олим ва султон мулозими Баҳовуддин сарой кутубхонасидаги жуда кўп нодир китоблар, қўлёзмалар билан танишиб чиқди. Туркий ва форсий тилларда ёзилган бу китобларда ажам ва араб фалсафасига, суфийлик тариқатларига доир, шунингдек, табииёт ва тарихга оид билимлар жамланган эди.

Дарвеш-қаландар султон Халил ҳукмдорлик қилган йилларки, сарой кутубхонасини Искандария, Бағдод, Дамашқ, Маккаи мукаррама каби жаҳон маданияти марказларидан олиб келтирилган жуда кўп китоблар билан бойитди. Бу китоблар орасида араб, форс ва турк олимлари юнон ва лотин тилларидан таржима қилган китоблар ҳам бор эди. Кутубхонада, шунингдек, араб ва форс олимларининг фалакиёт, риёзиёт, ҳандаса, кимё ва табобатга доир асарлари ҳам кўп эди.

Ҳожа Баҳовуддин бу китобларнинг кўпчилигини мутолаа қилиб, ўрганиб чиқди. Табиийки, у диний-фалсафий асарларга кўпроқ эътибор берган. У, айниқса, Мансур Ҳаллож, Абу Ҳамид Ғаззолий, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Ибн Арабий, Ибн Божжа асарларини катта эътибор билан ўқиди. Ибн Арабий (1164—1240) нинг «Футуҳоти ал-Маккия» ва «Фусус ал-ҳикам» фалсафий асарлари Мағриб ва Машриқ олимлари ўртасида маълум ва машҳур эди. Бу аллома асарлари узоқ асрлар давомида Шарқ ва Ғарб олимлари, руҳонийлар ўртасида қизғин баҳс-мунозаралар уйғотди. Баъзи суфийлар Ибн Арабийни валийлар устози, пайғамбар даражасидаги улуғ сиймо деб билишса, бошқалар уни ислом динининг душмани деб ҳисоблайдилар. Е. Э. Бертельс манбалар асосида ёзишича, буюк аллома Абдураҳмон Жомий ва ундан аввалги улуғ олимлар Ибн Арабий асарларини тасаввуф илмида Қуръон ва Ҳадиси шарифдан асосий қўлланма деб билишган. Ибн Арабий умри давомида 400 га яқин асар ёзган дейишади. Унинг энг машҳур асарларидан бири «Футуҳоти ал-Маккия» («Маккада очилган кашфиётлар») бўлиб, бу асар мусулмон олимларига худои-таоло қудрати ва мўъжизаларини, илми ғайб сирларини фақат валий одамларга очувчи қомусий асар ҳисобланади. Мазкур асарда Ибн Арабий Ҳақ-таолога етишишнинг манзиллари ва мақомлари ҳақида, ҳол илми ҳақида ёзади. Унинг таълим беришича, Ҳақ-таолога етишиш йўлларида 19 мақом, 360 манзил ва карвонсарой бор. Манзиллардан бири — ишонч-эътиқод: иккинчиси — сабр; учинчиси — итоат: тўртинчиси — шукр қилмоқдир. Илми ҳолнинг 7 даражаси бор. 1) Оллоҳ йўлидан бормоқ; 2) Оллоҳ назаридa бўлмоқ; 3) Оллоҳга воситачи бўлмоқ; 4) Оллоҳ хизматида бўлмоқ; 5) Оллоҳга ёр бўлмоқ; 6) Оллоҳ учун яшамоқ; 7) Оллоҳга жон фидо қилмоқ.

Шу асарда Ибн Арабий тасаввуфнинг икки қутби — ал-фикр ва ал зикр ҳақида гапиради. Ибн Арабий фикрича, Иблис худонинг душмани ҳам, дўсти ҳам эмас. Иблис фақат инсонга душмандир. (Чиндан ҳам «Қуръони мажиднинг «Ал-Исро» сурасида «Бандаларимга айтингки, улар энг гўзал сўзлардан сўзласунлар. Зеро, Шайтон уларнинг ўрталарида бузғунчилик қилур. Дарҳақиқат, Шайтон инсонга очиқ душмандир», дейилади — М. М.)Мусо пайғамбар билан олишган Фиръавн ҳам худонинг душмани эмас., Ибн Арабийнинг бундай зиддиятли фикрлари кўп олимларни ўйлантириб, саросимага солган.

Хожа Баҳовуддин бундай мураккаб, зиддиятли мулоҳазаларнинг қаердан келиб чиққанлигини билишга уринди. Ва шундай хулоса га келдики, дилида доимо Оллоҳни ёд этиб яшайдиган одамларга Иблис зарар етказолмайди. Аксинча, дилида шайтоний ўйлар билан яшайдиган одамларни Иблис йўлдан оздириши табиийдир. Кўпчилик суфийлар ўзлари чуқур билим, маърифатга эришмай туриб, бошқаларни эргаштиришга уринадилар, турли-туман мураккаб фикр-мулоҳазалар ўрмони орасида ўзлари ҳам адашиб қоладилар ва сезмаганлари ҳолда ислом динидан узоқлашадилар. Ахир, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда чин инсонлик, баркамолликнинг йўллари аниқ-равшан кўрсатилган-ку! Қуръоннинг 11-сурасидаги отяларда Баҳовуддин ўзининг кўпчилик саволларига аниқ жавоб топди:

«Ёки уни (Қуръонни) Муҳаммад тўқиб чиқарган», дейдиларми? Айтинг: (Уларга) Агар ростгўй бўлсангизлар, Оллоҳдан ўзга, кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб, шунга ўхшаш ўнтагина «тўқилган» сура келтиринг-чи». Бас, агар улар (сиғинадиган бутларингиз) сизларга жавоб қилмасалар, у ҳолда билингизки, албатта у (Қуръон) Оллоҳнинг илми азалийси билан нозил қилингандир ва Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Оллоҳнинг аниқ-равшан ҳужжатига асосланувчи ва шунга (ҳужжатга) амал қилувчи (Муҳаммад пайғамбар) Оллоҳнинг шоҳиди эмасми? Ва ундан илгари Оллоҳнинг марҳамати билан мўминларга раҳнамо қилиб (осмондан) туширилган, Мусо китоби (Таврот ҳам) бор-ку! Ўшалар (Қуръон ва Тавротга мушарраф бўлганлар) Оллоҳга иймон келтирурлар. Унга (Қуръони мажидга) ишонмай, куфр кетгувчилар қайси фирқадан бўлсалар ҳам борар жойлари дўзахдир. Шундай экан, унга (Каломи шарифга) шак-шубҳа қилмангиз ,у (Қуръони мажид) Оллоҳ юборган ҳақиқий китобдир. Ҳолбуки, баъзи бандалар унга шак келтирадилар. Оллоҳ шанига каззоблик қилувчилар золимлардир. Ундай кимсалар (махшар куни) Оллоҳ-Таоло олдида жавоб берурлар».

Хожа Баҳовуддин «Қайси фирқадан бўлсалар ҳам куфр кетгувчиларнинг борар жойлари дўзахдир», деган сўзларни қайта-қайта ўқиркан, суфийларнинг турли-туман тариқатларига қўшилмай, фақат Каломи шариф ва унга амал қилувчи пайғамбар ҳадислари йўлидан боришга аҳд қилди. Чунки: «Ҳақлигига ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу китоб ғойибга ишонадиган, номозни тўкис адо этадиган ва биз ризқ қилиб берган нарсалардан инъом-эҳсон қиладиган тақволи кишилар учун раҳбар — йўлбошчидир».

Хожа Баҳовуддин мана шу муқаддас сўзларни ўқир экан, худои-таоло марҳаматига, ғойибга ишонганига шукроналар қилди, ҳақ йўлдан бораётганига ишонди. Демак, Каломи шариф барча чинакам билимлар манбаидир. Қуръони Карим турганида билим олмаётган толибни Баҳовуддин дарё қирғоғида ўтириб сувга зор бўлган одамга ўхшатди. Яна бир ташбеҳ хаёлига келди. Қуръоннинг 73 сура, 20-оятида «Оллоҳ китобини имконингиз етганича ўқинг», деган сўзларни эслаб, денгиз ёқасида ўтириб, унинг сувини охиригача ичмоқчи бўлган талабанинг аҳволини кўз олдига келтирди.

ЁШ БАҲОВУДДИН пайғамбар Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёлғиз худодан бошқа ҳеч қандай раҳбари йўқлигини эслаб, султон Халилга хизмат қилишдан ҳам воз кечди. У, саройни, ҳашаматли ҳаётни тарк этди. Муҳаммад пайғамбар изидан боришга аҳд қилди.

Шу орада у соҳиби ғайбнинг қудратини кўришга муяссар бўлди. Бир куни султон саройининг ташқи ҳовлисида, девони адлия майдонида ёш бир йигитни қатл этиш маросими бўлди. Султон Халил қандай қилиб жаллод ёш йигитнинг бошини узиб ташлашини хотиржам томоша қилиб ўтирарди. Султон рўмолчасини кўтариб жаллодга «Бошла» деб ишора қилди. Жаллод дами кескир қилични куч билан йигит боши узра бир сермаган эди, йигит ҳеч нарса бўлмагандай тураверди. Жаллод ҳайронлик билан қиличини яна бир урган эди, йигит яна омон қолди. Ҳамма таажжубдан ёқа ушлади. Жаллоднинг учинчи марта қилич ургани ҳам зое кетди. Бу пайт мақтул йигит қандайдир дуони пичирлаб ўқиётганди.

Ҳайратдан лол бўлиб қолган султон:

— Бу не синоат? Худо ҳаққи, тўғрисини айт, эй йигит? — деб сўради.

— Камина аввали худодан, сўнг пири дастгиримдан мадад сўраган эрдим, — деди.

— Пиринг ким? — деб сўраганида йигит Мир Сайид Кулолнинг исми-шарифини айтди.

Шу лаҳзаларда Баҳовуддин ўзининг пиридастири валийликда ҳанчалик ҳаққа етишганлигини кўриб, унга ҳурмат-эҳтироми янада ортди. Авлиё-пирнинг шогирди тақдирида не чоғли таъсир этишига яна бир марта ишонч ҳосил қилди. Шу заҳоти Баҳовуддин султон қошиға бориб, йигитни тез озод қилишни талаб этди. Султон дарвешликдан чиққан эмасми, Баҳовуддин талабини дарҳол қондирди. Маноқибларда ёзилишича, «Султон Халил салтанатининг дабдаба-ю ҳашаматлари Баҳовуддин кўзи олдида бир лаҳзада елга совурилди. У, бу дунё раҳбарларининг ўткинчилигини, ҳар қандай раҳбар худонинг қудрати олдида бир зумда ожизу нотавон бўлиб қолишини фаҳмлади. Бу дунё мартабаларига ва роҳат-фароғатларига кўнгли қаттиқ совуб кетди. Подшоҳларнинг зеб-зийнатлари ва куч-қудратлари ташқи кўринишдангина эканлигини тушунди. Подшоҳлар подшоҳи ҳақ субҳонаҳу ва таоло қудратининг барча ишларда чеку чегараси йўқлиги кундай равшан бўлди. (Бундан 600 йил муқаддам шайх Баҳовуддин ҳаётномасини ёзган одамнинг бу сўзлари нақадар ҳақконий эканлигини XX асрда Афғонистонда ва Форс кўрфазида ўзларининг ноҳаксиз ҳарбий қудратини намойиш қилган ҳукмдорларнинг ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин. Минг-минглаб ҳалойиқнинг қонини тўкиб, обод қишлоқларни вайрон қилиб, ўзларининг куч-қудратини намойиш қилган не-не раҳбарлар халқларнинг қарғишига учраб, ёвузлик тимсоллари, лаънати бўлиб қолдилар, Ҳарбий техникаси, илм-фани кучли бўлса ҳам ақл-идроки чала бўлган бундай раҳбарлар — табиатни вайрон қилиб, денгиз, дарёларни қуритиб, далаларни заҳарлаб, одамларнинг соғлигини йўқотиб, Еримизни ҳалокат ёқасига келтириб қўйганлар Оллоҳнинг қаҳрига учрагай).

Худонинг марҳамати, Мир Сайид Кулол каромати, Баҳовуддин ҳимояти билан омон қолган йигит — Муҳаммад Порсо (Бу — Жомий ва Хожа Аҳрорнинг пири-мурсиди Муҳаммад Порсо эмасдир— М. М.) эди. У Мир Сайид Кулол билан бир вақтда Баҳовуддинни ҳам ўзига устоз тутиб, унинг кетидан эргашди. У ақлзаковатли йигит бўлиб, умрининг охиригача, устозларидан айрилмади. Баҳовуддиннинг барча сафарларида унга мулозим бўлиб, хизматини қилиб юрди. Кейинчалик, Муҳаммад Порсо узоқ йиллар давомида Баҳовуддин Нақшбандийнинг барча ваъзларини тўплаб, «Қудсия» китобини таълиф этди (тузди).

Русчадан Маҳкам МАҲМУД таржимаси.



● Баҳовуддин масжиди.

● Қора тош.

● Муқаддас дарахт.

В. Молгачев олган суратлар.

1. Расули акрамнинг ушбу ҳадиси — шарифини янада соддароқ қилиб айтганимизда ҳам жуда тераи маъно келиб чиқади: яъни ислом дини билимларидан баҳра олиб ҳар доим роҳат топай деса, ул киши худога хуш келмайдиган, эл, улусни ранжитадиган барча ишларидан кечсин — М. М.

Шогирдлар устозлар ҳақида

МУСИҚА— УНИНГ ДИЛИ

Саксонинчи йилларнинг бошида Муқимий номидаги республика давлат мусиқали театрига бир гуруҳ ёшлар қабул қилинди. Ана шу омадли собиқ талабалар орасида мен ҳам бор эдим. Бизни миллий саҳна санъатимизнинг алломаларидан бўлган Раззоқ Ҳамроев ўзи дарс бераётган Тошкент театр ва рассомлик санъати институтидан танлаб олиб келганди.

Улуғ устоз театрдаги таниқли шогирдларига биз ёшларни таништириб, мунтазам оталиқ ёрдами кўрсатиб боришларини, тажрибаларини ўртоқлашишларини илтимос қилди. Мени талабалик вақтимдаёқ ўзининг янгроқ овози, оригинал ижрочилиги билан мафтун этган Суръат Пўлатовга топширди. Бундан хурсанд бўларканман, айни вақтда беихтиёр ҳаяжонландим. Буни сезган домламиз «булар ҳам яқиндагина сизларга ўхшаган бошловчи ижодкорлар эди, ҳечқиси йўқ, ўрганиб кетасизлар, санъат қўпинча устоз-шогирдликда ривожланади», дедилар.

Раззоқ Ҳамроев мени ўзининг муносиб шогирдига таништирганидан ҳамон миннатдорман. Чунки, актер-қўшиқчи сифатида шаклланишимда, ижодий ўсувимда Суръат ака жуда катта роль ўйнади.

Мен Суръат акани мусиқали саҳна санъатининг моҳир намояндаларидан деб биламан, ҳурмат қиламан. У киши ҳозирга қадар театрда юздан ортиқ роль ижро этган бўлсалар, ҳаммаси бир-биридан мароқли, жарангдор ва халқчил. Устоз миллий мусиқа санъатимиз буюк намояндаларининг анъаналарига ҳамиша фаол содиқ бўлганлиги, улардан ижодий фойдаланганлиги, қолаверса, халқ тароналарини, томошаларини пухта билганлиги учун ҳам шундай муваффақиятга эришиб келмоқда.

Халқимиз Муқимий театрининг энг яхши спектаклари ҳақида гап кетгудек бўлса, «Нурхон», «Равшан ва Зулхумор», «Момо ер», «Навоий Астрободда», «Нодира», «Мавлоно Муқимий», «Гул ва Наврўз», «Жоним фидо» музикали драмаларини алоҳида муҳаббат билан тилга олади. Шу асарларнинг муваффақиятли талқинларида асосий ролларни ижро этган Суръат Пўлатовнинг ҳиссаси алоҳида. Мен бу спектаклларни такрор-такрор томоша қилиб, тажриба, маҳорат ортирганман. Баъзиларида устоз билан шериклик қилганман.

Ушбу суратда сиз Суръат Пўлатовни яқин дўсти, жамоадоши Ҳамза Умаров (марҳум) билан саҳнада кўриб турибсиз. Муқимий театрининг жуда кўп ютуқлари мана шу икки моҳир актёрнинг номи билан боғлиқ.

Суръат ака спектакль асоси — пьесага ижодий ёндашувчи, саҳнадошлари билан бамаслаҳат иш олиб боришдан толмайдиган, актёр ва актрисалар ижодий имкониятларини тез илғайдиган ва қадрлайдиган ҳассос артист. У киши ролга биринчи таклиф қилинган ёшларга ниҳоятда эътибор берадилар. Мен шу ўринда ўзимнинг Муқимий театридаги илк ролим, яъни «Гулбаҳор қани» спектаклидаги образимни мисол қилиб кўрсатмоқчиман. Ўшанда Суръат ака марҳум Раззоқ ака билан биргаликда пьесани саҳналаштирар экан, менинг ролимни дастлаб ўзи ижро этиб кўрсатган. Машқларда кўрсатмалари амалга ошаётганини билиб, танаффус пайтида қўлимни қисгани ҳамон-ҳамон эсимда.

Шундай санъаткорларнинг жонкуярлиги, даъвати туфайли ҳам саксонинчи йилларнинг ўрталарида театримизнинг ижрочилик маҳорати янада ярқираб кўзга ташланган эди. Бевақт оламдан ўтиб кетган бетакрор санъаткор Ҳамза Умаровнинг Суръат Пўлатов билан биргаликда олиб борган ташкилотчилик ишларини, биз ёшларга бўлган меҳрибонлигини ҳам таъкидлаб ўтаман. Суръат Пўлатов Ҳамза Умаровдай дўстлари, саҳнадошлари бўлганлиги учун ҳам Муқимий театрининг ижодий равнақига катта ҳисса қўша олди.

Устознинг бевосита раҳбарлиги, кўрсатмалари асосида дастлабки ижодий қадамларини ташлаган Одина Ғозиева, Меҳмонали Салимов, Абдушоир Салимов, Рустам Маъдиев, Меҳри Бекжонова, Зулайхо Бойхонова, Насриддин Рустамов каби иқтидорли ёшлар бугунги кунда Муқимий театрининг спектаклларида асосий ролларни ижро этмоқдалар. Улар Суръат аканинг ижрочилик анъаналарини ҳурмат қиладилар, репертуаридаги ролларни ижро этишни ўзлари учун шараф, деб биладилар.

Турғун БЕКНАЗАРОВ,
«Наврўз» театр-студиясининг актёри.

СПОРТ

Кумуш медаль совриндори

● МАЪЛУМКИ тошкентлик Артур Григорьян бокс бўйича Австралияда ўтказилган жаҳон чемпионатининг финалига чиққан эди. У ҳал қилувчи учрашувда олмониялик М. Рудольфга имкониятлик бой бериб қўйди. Шундай қилиб, боксчимиз яхши ният ўйинлари ва мамлакат чемпионатининг олтин медаллари ҳамда СССР кубоги қаторига жаҳон чемпионатининг кумуш медалини ҳам қўшди.

Биринчиси дуранг

● «ПАХТАКОР» футболчилари мамлакат кубогининг ним чорак финали дастлабки учрашувини ўз майдонида пойтахт армиячилари билан ўтказишди. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади. Такрорий учрашув 26 ноябрь куни Москвада ўтказилади.

Владимир Иванович Попов

Ўзбекистоннинг илмий ва олий таълим жамоатчилиги оғир жудоликка учради.

1991 йил 23 ноябрда машҳур олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон жумҳуриятларида хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, профессор Владимир Иванович Попов 85 ёшда вафот этди.

В. И. Попов 1907 йилда Санкт-Петербург шаҳрида таваллуд топди. 1930 йилда Ўрта Осиё давлат университетини битирди. У студентлик йилларидаёқ Фарғона водийсидаги Қадамжой сурма конини очди.

Академик Д. В. Наливкин раҳбарлигида Помир экспедициясида бажарган ишлари натижаси ўлароқ В. И. Поповнинг «Шарқий Тожикистон фойдали қазилмалари» номли йирик монографияси яратилди. «Ғарбий Тянь-Шань баландликлари ва ботиқлари» монографияси эса докторлик диссертациясига асос бўлди.

В. И. Попов Ўрта Осиё литологлари мактабининг асосчиси ва доимий раҳбари эди. У кўп йиллар давомида Тошкент Давлат университетида малакали мутахассислар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди. Бир қатор кафедраларни ташкил этди ва турли йилларда уларга раҳбарлик қилди, йирик проблема лабораториясини бошқарди, университетда проректор лавозимида меҳнат қилди.

В. И. Попов геологиянинг турли йўналишлари бўйича салмоқли илмий асарлар, жумладан, 30 йирик монография ёзди. Унинг илмий раҳбарлигида 10 фан доктори ва кўпдан-кўп фан номзодлари етишиб чиқди.

В. И. Поповнинг меҳнатлари ҳукумат томонидан орден ва медаллар билан тақдирланди.

Юксак истеъдод эгаси, меҳрибон мураббий, камтарин инсон — Владимир Иванович Попов уни билган ва бирга ишлаганлар қалбида доимо сақланиб қолади.

И. А. Каримов, Ш. Р. Мирсаидов, Ш. М. Йўлдошев, Э. С. Самандаров, Б. А. Назаров, Ш. О. Алимов, М. С. Салоҳитдинов, Э. Ю. Юсупов, А. М. Акромхўжаев, И. Ҳ. Ҳамробоев, А. Н. Султонхўжаев, В. Н. Троицкий.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

26 НОЯБРЬ — 1 ДЕКАБРЬ

Ҳар куни

● 8.25 да **«Соғлом бўлай десангиз»** (шанба ва якшанбадан ташқари, УзТВ I).
● 18.00 да **Янгиликлар** (УзТВ I).
● 19.30 да рус тилида **«Ахборот»** программаси (УзТВ I).
● 21.00 да ўзбек тилида **«Ахборот»** программаси (УзТВ I).
● 6.00 да **«Тонг»**. Ахборот-мусиқий кўрсатуви (МТ ОРБИТА-IV).
● 12.30 да **ТСН** (шанба ва якшанбадан ташқари), 15.30 да (ҳар куни, МТ ОРБИТА-4 да).
● 21.30 да **«Информацион программа»** (УзТВ II ва МТ ОРБИТА—IV программаларида).

26, сешанба

● **УзТВ I**
8.00 «Ахборот». 8.35 «Отпускага чиқолмадик». Бадиий фильм. 9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тәлежарида»
18.10 Мультфильм. 18.20 «Тилимиз муаммолари». 18.55 «Депутат билан учрашув». 19.45 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 20.15 «Гулнораниинг гулдастаси». Мусиқий видеофильм премьераси. 21.25 «Спортлото». 21.30 Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг 50 йиллигига бағишланган адабий кеча.
● **Уз ТВ II**
10.30 «Тарих ва тақдир». Маҳмуд Беҳбудий. 11.15 «Кўҳитанг». Телефильм. 11.30 «Она юрт тароналари». Фильм-концерт.
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 20.00 «Пульс». 20.10 «Бизнинг боғ». 20..30 Регби. 22.10 «Кинонигоҳ». 24.00 «Пульс».
● **МТ «ОРБИТА IV»**
9.35 «Фантамас». Бадиий фильм. 2-серия. 11.10 Болалар соати (немис тили дарси билан). 12.10 «Кўҳна Эллада рақслари». 12.45 «Йўқ, мен хиёнат қилмаганман...» 13.50 Камер куйларидан концерт. 14.20 «Телемикст». 15.05 «Иқтисодий агентлик». 15.35 ТСН. 15.50 «Н. Озеров ҳузурида меҳмонда». 16.20 «Ершовкада суд». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 17.25 «Болалар мусиқий клуби». 18.10 «Чемпионлар билан биргаликда». 18.25 Мультфильм. 18.45 «Қизиқувчилар олами». 19.00 ТСН. 19.15 «Босқичлар». 19.55 «Фантамас». Бадиий фильм. 3-серия. 22.05 «Биз кўрган кунлар»., 3 ва 4-фильмлар. 22.35 Телевизион танишув. 23.45 «Икс» программаси. 00.45 ТСН. 24.00 «Пульс».

27, чоршанба

● **УзТВ I**
8.00 «Ахборот». 8.35 «Огарёва кўчаси, 6-уй». Бадиий фильм. 10.00 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
18.10 Мультфильм. 18.30 «Мактабгача тарбия» ойномаси — меҳмонимиз. 19.10 «Санъат олами». 19.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Илк қадамлар». 20.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Бойматова куйлайди. 21.25 «Олтин бешик». 23.10 «Ажойиб хаёлпараст». Бадиий фильм.
● **Уз ТВ II**
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18. 50 Мультфильмлар тўплами. 19.20 Спринт. «Шкворин — ўзи ва футбол ҳақида». 20.00 Гитара оҳанглари. 20.30 «Бурч». 22.10 «02» тўлқинида». 22.25 «Мираж».
● **МТ «ОРБИТА IV»**
9.30 «Фантомас». Бадиий фильм. 3-серия. 11.00 Мультфильм. 11.10 «Чемпионлар билан биргаликда». 11.25 «Болалар мусиқий клуби». 12.10 РСФСР Давлат духовой оркестри чалади. 12.45 «Икс» программаси. 13.45 ИИВ маълумотларига кўра... 14.00 «Сантуранинг ёрқин оҳанглари». Масуд Мисагиан чалади. 14.20 Биржа янгиликлари. 14.35 «Савдо растаси». 14.50 «Агар сиз...». 15.35 ТСН. «Ён дафтар». 15.55 «Шерик». 16.25 «Ершовкада суд». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.30 «Планета». 19.00 ТСН. 19.15 ИИВ маълумотларига кўра... 19.30 «Катта» фаннинг келажаги ҳақида. 19.55 «Фантомас». Бадиий фильм. 4-серия. 22.05 «Николай Зиновьев дўстларини қабул қилади». 23.30 Спорт кўрсатувлари. Танаффус пайтида (00.15) — ТСН. 01,25 «Биз кўрган кунлар». Бадиий фильм. 01.50 «Мусиқий башорат». 5-тур. 02.10 «Бир боқишда муҳаббат». Биринчи кун.

28, пайшанба

● **УзТВ I**
8.00 «Ахборот». 8.35 «Янгроқ қўшиқлар». Бадиий фильм. 10.00 Старочеркасса — байрамга». Телефильм.
18.10 Мультфильмлар. 18.25 «Саноатимиз муаммолари». 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.45 «Бўстонлиқнинг олтин кузи». Манзарали фильм. 20.05 «Ки, сен ҳам ҳур туғулғонсен». «Эрк» демократик партияси. 20.45 «Ўзбекистон Республикаси. Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 21.25 «Мерос». Акмалхон ва Бобохон Сўфихоновлар. 22.45 «Мимино». Бадиий фильм.
● **Уз ТВ II**
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Кадрда ва кадр ортида». 19.30 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда». кўрсатувининг давоми. 22.10 «Кинонигоҳ». 24.00 «Пульс».
● **МТ «ОРБИТА IV»**
9.30 «Фантомас». Бадиий фильм, 4-серия. 11.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.00 «Жавоҳар» вокал гуруҳи ижро этади. 12.15 Кино бозори. 12.45 Спорт кўрсатувлари. 13.45 Ҳужжатли фильм. 14.45 «Телемикст». 15.30 «Ён дафтар». 15.35 ТСН. 15.50 Мультфильм. 16.00 «Ҳозир ва ўша пайтларда». 16.30 «Сиз билан ёнма-ён». («Машинистка»). Телевизион бадиий фильм. 17.40 «Қизиқувчилар олами». 17.55 Саратовда бўлиб ўтган XIV Бутуниттифоқ телефильмлари фестивалининг совриндор фильмлари. «Кузьма Поклонов тақдири». 19.00 ТСН. 19.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.00 «Демократия». Фильм-спектакль премьераси. 22.05 «Биз кўрган кунлар». 6 ва 7-фильмлар. 22.50 Эфирда мусиқа. 1 ва 2-қисмлар. Танаффус пайтида — (23.50) — ТСН. 01.10 ТВ ТУ ҳақида. 02.00 «Бир боқишда муҳаббат». Иккинчи кун.

29, жума

● **УзТВ I**
8.00 «Ахборот». 8.35 «Қувноқ эскадрон». Бадиий фильм. 9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
18.10 Мультфильм. 18.15 «Анҳор» қаҳвахонасига таклиф қиламиз. 19.00 «Қадрият». 19.50 «Ижод саҳифалари». 21.25 «Маърифатнома». 22.05 Ўзбек куйларидан концерт. 22.45 «Буғдойзорлар оралаб». Бадиий фильм.
● **Уз ТВ II**
10.30 Адабиёт. 11.00 «Набобот оламида». Кинопрограмма.
АШХОБОД КЎРСАТАДИ
● **МТ «ОРБИТА IV»**
9.30 Мультфильм. 9.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.30 Эфирда мусиқа. 12.45 «Демократия». Фильм-спектакль. 15.00 Биржа янгиликлари. 15.50 Мультфильм. 16.00 «Ён дафтар». 16.05 «Бридж». 16.30 «Байкалда куз». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.45 «Ғолиблар». 17.30 «Юлдузлар ёмғири». Ригада ёшлар фестивали. 18.45 «Қизиқувчилар олами». 19.00 ТСН. 19.15 «Рақслар, рақслар, рақслар». 19.25 «Инсон ва қонун». 20.10 «Якшанба куни». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси. 20.30 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 22.05 «ВИД» таништиради: «13-31», «Дело», «Музобоз», «Шоу-биржа». «Мусиқа», «Матадор». 01.20 ТСН. 01.40 Катталар учун мультфильм. 01.55 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» — МАСК.. 3-давр.

30, шанба

● **УзТВ I**
8.30 «Ассалому алайкум».
9.00 «Шаҳризоданинг охирги туни». Бадиий фильм. 10.25 «Изланиш». 11.10 «Қизил Ярим ой шуъласи». 11.40 Бастакор Ғани Холиқов. Эстрада қўшиқлари. 12.20 «Дала юмушлари». 12.50 «Китоб ва ҳаёт». 13.25 «Раиснинг бир куни». 13.55 «Тадбиркорлик — муваффақият гарови». 14.05 «Қалдирғоч». Фильм-концерт. 14.35 «Арнасой лавҳалари». 14.45 «Чорвадор» фарзанди».
18.00 Мультфильм. 18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.50 «Шеърият дафтаридан». Маҳмуд Тоиров. 20.05 «Шиша жилоси». Телефильм 20.20 «Кўнглим ардоғи». Комил Йўлдошев куйлайди. 21.00 «Ҳафтанома». 22.00 Адабий портрет. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков.
● **Уз ТВ II**
9.00 **ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.**
● **МТ «ОРБИТА IV»**
7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 Мультфильмлар. 8.00 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 9.00 ТСН. 9.15 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.45 «Мансаб». Менеджерлар танлови. 3-тур. 10.40 «Сиз яратган боғ». 11.10 «Мусиқа дўкони». 11.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 13.00 Режиссёр С. Колосов фильмлари. «Анна Фирлинг босиб ўтган йўллар». 1 ва 2-сериялар. 15.35 ТСН. 15.50 «Пи» белгиси билан». 16.45 «Таэквандо ва аёллар». 16.55 «Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Ажойиб ўрмон». Мультфильм. 18.25 «Ажойиб шаҳар Москва». Телефильм. 6-фильм. 19.00 Фигурали учиш. Бутуниттифоқ телерадиокомпаниясининг совринни учун халқаро мусобақалар Кўргазмали чиқишлар. 20.00 Кўп серияли мультфильм премьераси. 20.25 «Бақувват йигит». Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.05 «Кўк конверт». 23.05 Теннис. Дэвис кубоги. Финал. Франция — АҚШ терма командалари. Танаффус пайтида (00.05) — ТСН. 01.00 «Европа плюс». 02.00 «Ҳаммага — раҳмат...» Телевизион бадиий фильм.

1, якшанба

● **УзТВ I**
8.00 «Ҳафтанома».
9.00 «Учишга рухсат этинг». Бадиий фильм. 10.35 «Инглиз тили. 11.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 12.05 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 12.35 «Сиз севган достонлар». 13.35 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Яғона оилада». 15.00 «Яллама ёрим». Бухоро вилояти театрининг спектакли. 16.50 «Уларнинг касби — бунёдкорлик».
18.00 Мультфильм. 18.10 Болалар учун. «Доно бобо ўгитлари». 18.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.50 Катталар учун мультфильмлар. 20.20 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 21.25 «Эрга тегмангиз, қизлар». Бадиий фильм.
● **Уз ТВ II**
9.05 **БИШКЕК КЎРСАТАДИ.**
● **МТ «ОРБИТА IV»**
8.30 Спорт ҳамма учун. 9.00 ТСН. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Севги иқрори». 9.45 «Эрта саҳарлаб». 10.30 «Ватан хизматида». 11.15 «Тонг юлдузи». 12.15 «Саёҳатчилар клуби». 13.15 «Экологик хроника». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Марафон-15». 15.30 «Халқаро панорама». 16.15 «Уолт Дисней таништиради...». 17.05 «Здоровье». Жаҳон СПИДга қарши кураш кунига. 18.00 «Радуница». ансамблининг чиқиши. 18.15 Эфирда бевосита мулоқот. 19.00 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Бевафо хотин» (Марокаш). 19.10 «Иллюзион». «Сьер Мадре хазинаси». Бадиий фильм. 22.05 «Астра» таништиради: «Паравозимиз, олға...». Э. Рязановнинг «Жаннат мўнанд самолар» янги фильми ҳақида. 22.45 «Аншлаг! Аншлаг!». М. Евдокимов. 00.05 ТСН. 00.25 Теннис. Дэвис кубоги. Финал. Франция — АҚШ терма командалари.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ҚУҚОН ШАҲАР УНИВЕРСАЛ БИРЖАСИ

1991 йил 20 сентябрь куни

Қўқон шаҳар халқ депутатлари кенгаши ҳамда «РОЗА» кичик корхонаси томонидан ташкил этилган.

«ҚУҚОН-ФАРҒОНА» УНИВЕРСАЛ БИРЖАСИ
БРОКЕРЛИК ЎРИНЛАРИНИ СОТАДИ

Ташкилот, корхона, муассаса, кооператив ҳамда кичик корхоналар учун — 50 минг сўм, хусусий шахслар учун 25 минг сўм миқдорида.

«ҚУҚОН-ФАРҒОНА» Универсал биржаси қўшимча 600 сўм пулга брокерларни ўқитади, брокерлик ва биржа ишларини юритиш учун керак бўлган ҳамма ҳужжатлар билан таништиради.

Сиз бизнинг биржадан брокерлик ўринни сотиб олиб адашмайсиз, бу Сизнинг бозор иқтисодиёти шароитида ютуғингиз гаровидир.

Бизнинг манзилгоҳ: Қўқон шаҳри, Октябрь ҳиёбони кўчаси, 20-«а» уй.

Қўқон халқ конторасн биноси, 1-қават, 15-хона.
Телефон 2-31-00.

ҒОЯЛАР ЯРМАРКАСИ

Агар Сиз ёқилғи-энергетика имкониятларининг ўта танқислиги шароитларида ўз корхонангизда қувватни тежаш технологиялари, асбоб-ускуналар ва ноанъанавий қувват манбаларидан самарали фойдаланишни истасангиз, Ўзбекистон илмий-техника ахборотн ва техникавий-иқтисодий тадқиқотлар илмий-текшириш илмгоҳи (УзНИИНТИ), ССЖИ Илмий ва муҳандислик жамиятлари уюшмасининг Тошкент вилоят бошқаруви, Энергетиклар Бутуниттифоқ илмий-техника жамиятининг Ўзбекистон республика бошқаруви ва Илмий-техника фаолияти, ноанъанавий қувват манбалари ва ижтимоий ташаббусларни жорий этиш ихтисослашган маркази (НТНЭСИ) томонидан ташкил этилиб, шу йилнинг

27—29 НОЯБРЬ КУНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОД КОМИТЕТИ ИҚТИСОД ИЛМГОҲИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИ (Ҳисоблаш маркази билан) НИИЭиН, академик Х. Сулаймонова кўчаси, 29-уй) ДА ЎТКАЗИЛАДИГАН

«ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА ИМКОНИЯТЛАРИНИ ТЕЖАШ ВА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА НОАНЪАНАВИЙ ҚУВВАТ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ» МАВЗУИДАГИ

ҲУДУДЛАРАРО ТАРМОҚЛАРАРО ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИ ВА ҒОЯЛАРИ ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

РСФСР, БЕЛОРУССИЯ, УКРАИНА ВА МАМЛАКАТНИНГ БОШҚА МИНТАҚАЛАРИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ ИШЛАНМАЛАРИ СИЗНИНГ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТИЛАДИ.

Сиз намойиш этилаётган ускуналар ва намуналар каталогини ва мезоний ҳужжатларни ҳарид қилишингиз мумкин.

Ярмарка ишида қатнашишни истаганлар (қатнашувчилар ва тавсия этиладиган ишланамаларнинг сонидан қатъий назар) **УзНИИНТИнинг Тошкент шаҳар саноат-қурилиш банки Октябрь бўлимидаги 000609038, 300166010-ҳисобига** (код 172682301) **210 сўм пул ўтказишлари ва УзНИИНТИнинг тарғибот бўлимидан қатнашчининг талабнома-бланкини олишлари зарур.**

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй, УзНИИНТИ.

Телефонлар: 39-12-51, 39-48-71, илмий-техника тарғиботи бўлими.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Раёсати Ижтимоий-гуманитар фанлар бўлинмаси жамоалари Ўзбекистон Фанлар академияси Вице-президенти, Ўзбекистон ФА академиги И. Искандаровга отаси
Искандар МУҲАМЕДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-53-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-88-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.

№ 228.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти—21.00 Топширилди—22.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.